

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ МУХОФАЗАСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11669579>

Ҳабибулло Ражабов

Тошкент давлат транспорт университети доценти,

сиёсий фанлар доктори (DSc)

тел: 97 762 59 07

email: rhabibullo@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги даврга келиб ахборот олиши ва тарқатишининг замонавий кўринишлари авж ола бошлагани, жумладан, маънавий таъсир технологияларининг кучайиб бориши, ҳамда киберхуруж каби таъсир воситалари орқали айрим субъектларнинг ўз таъсир доирасини кенгайтиришига уринаётган бир пайтда, бундай таъсирлардан ёш авлодни ҳимоя қилиши бўйича айрим мулоҳазалар илгари сурилади.

Калит сўзлар: *Ахборот ҳодисаси, ахборот цивилизацияси, ахборотлашган жамият, ахборот таҳдидлари, оммавий ахборот воситалари, интернет, ахборот хуружлари, телекоммуникация тармоқлари.*

В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ И ВОСПИТАНИИ ДУХОВНО-ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ ЗАЩИТА МОЛОДЕЖИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы активизации современных видов получения и распространения информации, таких как кибератака, киберугроза и их средства влияния на окружающих, расширения сферы влияния таких субъектов, а также некоторые рассуждения и методы по их защите.

Ключевые слова: *термин информации, цивилизация информации, информационное общество, кибербезопасность, средства массовой информации, интернет, информационные угрозы, телекоммуникационные сети.*

IN MODERN EDUCATION AND UPBRINGING, SPIRITUAL AND IDEOLOGICAL PROTECTION OF YOUNG PEOPLE

ABSTRACT

The article deals with the activation of modern types of receiving and disseminating information, such as cyberattack, cyberthreats and their means of

influence on others, expanding the sphere of influence of such subjects, as well as some reasoning and methods for their protection.

Key words: *information term, information civilization, information society, cybersecurity, mass media, internet, cyber threats, telecommunication networks.*

КИРИШ

Янги дунё тартиботи инсониятнинг тафаккур тарзини ўзгартирди. Жаҳон афкор оммаси ўзининг барқарор келажаги ва тараққиётини таъминлашни ҳар қачонгидан ҳам муҳим, устувор вазифа сифатида эътироф этмоқда. Тараққиётнинг зарур шартларидан бири эса муайян давлат ва жамиятнинг хавфсизлигини таъминланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Яқин даврларга қадар хавфсизлик тушунчаси бирмунча тор, аниқ ва манзилли характер касб этган бўлса, замонавий дунё назарий-таъминчилари унинг кенгайиб бораётганини, турлари, кўринишлари, қиёфаси янги-янги кўлам касб этиб бораётганини кўрсатишмоқда.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Хусусан, глобаллашув шароитида ахборот омилининг етакчи ўринга чиқаётганлиги боис бундай шароитда ёшларимизни турли глобал таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларни ғоявий таҳдидларга қарам бўлмайдиган маънавий баркамол шахс сифатида шаклланишларини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Чунки глобаллашув ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий хусусиятларга ҳам эга бўлиб, булар биринчи навбатда мафкуравий таҳдидларнинг ҳеч қандай чегараларсиз кириб келиши билан характерланади. Шу ўринда Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёвнинг фикрига эътибор қаратиш зарур: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин, таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”[1;25].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Дарҳақиқат, глобал ахборотлашув ёшларимизнинг дунёкараши, тафаккурига, миллий-маданий қадриятларга ҳам турли хил йўللار билан таъсир кўрсатишга интилаётганлиги ижобий моҳият касб этиши билан бирга,

салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариш эҳтимоли намоён бўлмоқда. Ушбу жараённинг бундай таъсирини ёшлар ҳаётидаги позитив ўзгаришларга мос “меъёр” даражаси билан таққослаб олиб бориш, аксинча, унинг бузилиши ҳолатини фарқлаш ва ҳисобга олиш муҳим. Айниқса, ахборот кўлами тез суръатлар билан ортиб, мустақиллик туфайли ёшларимизнинг янги-янги ахборот майдонларига кириш имкониятига эга бўлаётган бир даврда, муайян миллат ёки халққа хос бўлган фикрлар, қарашлар ахборот тизими орқали бутун дунёга тарқатилмоқда.

Демак, дунё миқёсида ахборот хавфсизлиги омили етакчи мавқе эгаллаб, миллий тараққиётнинг келажаги ана шу омилнинг нақадар таъминланганлиги даражаси билан ўлчанар экан, давлат ҳокимияти органлари ушбу масала ечимида муҳим ўрин тутишлари лозим.

Учинчи минг йиллик бошига келиб жаҳон ҳамжамияти тараққиёти ахборотлашувнинг фаол ривожланаётган жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда ўсиб бормоқда. Бугунги фан-техника тараққиётининг ҳосиласи сифатида ахборот кўламининг кенгайиб бориши глобаллашувнинг таркибий қисми сифатида глобаллашаётган дунёда тафаккур глобаллашувини белгилаб бермоқда. Ушбу жиҳат ахборот омили билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, табиий равишда маълумот алмашинувнинг глобаллашувини таъминламоқда.

НАТИЖАЛАР

Маълумот алмашинув, айирбошлаш каби ахборот соҳасидаги устуворликни таъминлайдиган бу омиллар жамият аъзолари онгига кучли таъсир ўтказиш ва уни бошқара олиш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, жаҳон медиа-холдинглари эгалари воқеа-ҳодисаларни ёритишда муайян гуруҳ, сиёсий ташкилот ёки муайян давлат мафаатларини таъминлаш мақсадида урғуларни ўзгартириш йўли билан ҳам томошабин ёки эшитувчида рўй берган воқеликка нисбатан ўзлари истаган муносабатни шакллантириш қудратига эга. Ёшлар маънавиятига кучли таъсир кўрсатадиган ғарб турмуш тарзини тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган айрим ташкилот, кўрсатув ва эшиттиришлар ахборот тизими воситасида кишилар онгига истаган фикрлар, кадриятлар, кўрсатмаларни сингдиришга интилади. Интернет эса виртуал воқеликни шакллантириб, ундан фойдаланувчиларда маданиятнинг янги кўриниши – кибермаданиятни қарор топтирмоқда. Ш.Муродова ўзининг “Медиавирус: муаммоларнинг қўйилиши” номли мақоласида америкалик олим Дуглас Рашкоффнинг “Медиавирус. Поп-маданиятни сизнинг онгингизга қандай кўринмас таъсири бор” деб номланган иборасини таҳлил қилади. Унга кўра муаллиф, “биологик вируслар инсон организмни қандай захарласа,

медиавируслар ҳам инсон тафаккурини шундай захарлайди” ”[2;148] дея фикр билдиради.

МУҲОКАМА

Глобал ахборотлашув боис бугунги воқеликнинг шиддатли тус олаётганлиги табиий равишда ҳар қандай давлат олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини қўймоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи дунё миқёсида глобал жараёнларнинг ривожланиб бораётганлиги шароитида ўзлиги, миллийлиги, давлатчилик анъаналарини сақлаб, ривожлантириб боришдан манфаатдор тараққийпарвар мамлакатлар орасида қизгин муҳокама қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Бундай муҳокамаларда ахборотнинг ёшлар маънавий тараққиётидаги ижобий ролини таъкидлаш билан бирга унинг жамият ахлоқий баркамоллигига салбий таъсири кузатилаётганлиги ҳам таъкидланмоқда. Инсоният учун бундай таҳдидли ҳолатлар кучаяётганлиги шароитида зиёлилар билан бирга қаторда давлат ҳокимияти органлари олдида ёшлар онги ва қалбида миллий ғояга содиқлик ҳисларини ривожлантириш талаб этилиб, ушбу жиҳатлар мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш, маданий ўзига хосликни асраш ва ахборот хуружларидан ҳимояланиш воситаси сифатида ҳам муҳим.

ХУЛОСА

Ахборот алмашинувнинг юқори босқичи кузатилаётган ҳозирги даврда ёшларнинг таълим ва тарбиясини янада оширишнинг қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратилиши муҳим:

1. Ёшлар маънавияти бугунги ахборот хавфсизлигини таъминлаш шароитида кучли ғоявий иммунитет ривожини талаб этиб, жамиятнинг маданий-маънавий соҳалари учун масъул давлат ташкилотлари ушбу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиши зарур;

2. Ғоявий-информацион таҳдидлар мавжудлиги, шунингдек, ёшларнинг маънавий ривожланишига хизмат қилувчи ахборотнинг танқислиги шароитида ёшлар онгида ахборот вакууми пайдо бўлиш эҳтимоли юқори. Бунда давлат ҳокимияти органлари ОАВ орқали Ўзбекистон - 2030 стратегияси” да белгилаб берилган давлат ахборот сиёсатининг мақсади, вазифалари ижросини таъминлаш муҳим;

3. Бугунги глобал ахборотлашув шароитида жамиятнинг ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлаётганида, ушбу жиҳат давлат ҳокимияти органларининг доимий назоратида бўлиши лозим.

4. Демократик-хуқуқий ривожланиш шароитида ёшларни дунёнинг барча инфор­мацион оқимларидан ахборот олиш имконияти кенгайди. Бунда миллий маънавиятни юксалтирувчи ахборотлар билан бирга, маънавият тубанлашувига олиб келадиган ахборот оқимлари кириб келиш эҳтимоли ҳам кучаяди. Бундай шароитда давлат ҳокимияти органлари давлатга қарашли ва нодавлат ОАВ фаолиятида ғоявий иммунитетни ривожлантиришга хизмат қилувчи кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар тарқалишини таъминлашлари муҳим аҳамиятга эга;

5. Фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган бугунги кунда аксарият давлат органларининг функцияси фуқаролар қўлига ўтади. Лекин, ўтиш даврининг айрим зиддиятлари ҳамда баъзи муаммолар мавжуд шароитда давлат ўзининг бош ислоҳотчилик мавқеидан келиб чиқиб, ҳокимият органлари ОАВ фаолиятини умуммақсад сари йўналтириши лозимки, бу жиҳат давлат ва фуқаролар ўртасидаги бирликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 25.
2. Муродова Ш. Медиавирус: постановка проблемы//.- Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари 2012. 2-сон Б. 148.